

# Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий - креатив компетенцияларини ривожлантришнинг ўзига хос хусусиятлари

Гулзода Анваржон қизи Исақова  
НамДУ

**Аннотация:** Инновацион-креативликка асосланган таълим тизими жамият ривожланишини амалга оширишнинг самарали воситасидир. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида креативликни ривожлантриш омиллари таъсирини баҳолаш, ижодкорликка асосланган таълимий фаолиятни ташкил этишнинг методик тизимини такомиллаштириш, креативликка асосланган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда. Бошланғич таълимга бундай ёндашув шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талабларига мос равишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий кўникмаларни шакллантириш, ижодий қобилиятни ривожлантришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш алоҳида долзарблик касб этишини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, мақолада касбий креативлик тушунчасининг моҳияти еритилган ҳамда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий-креативлик компетенциясини риволантиришнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** креатив, креативлик, касбий креатив компетенция, инновацион ёндашув, таълим сифати, креатив тафаккур, яратиш, янгиликларни амалга ошириш, ижод, ижодкорлик, ижодий қобилият натижаси, конструктив оригинал фикрлаш, креативликни ривожлантриш тамойиллари

## Peculiarities of development of professional and creative competences of future elementary school teachers

Gulzoda Anvarjon kizi Isaqova  
NamSU

**Abstract:** Education based on innovation and creativity is an effective means of implementing the development of the society. Assessment of the influence of creativity development factors in future elementary school teachers, improvement of the methodical system of organizing educational activities based on creativity, development of pedagogical-psychological features of development of creative abilities in accordance with the requirements of the individual-oriented educational

strategy is becoming more relevant. From this point of view, the essence of the concept of professional creativity is explained in the article, as well as the specific features of developing the professional-creative competence of future elementary school teachers.

**Keywords:** creative, creativity, professional creative competence, innovative approach, quality of education, creative thinking, create implementation of innovations, creativity, result of creative ability, constructive original thinking, principles of creativity development

Жаҳонда ҳар қандай жамиятнинг истиқболи ва ривожланиши инновацион-креатив ижодкорликга асосланган бўлиб, инсон фаолиятининг ҳар бир соҳасида креативликка бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан тавсифланиши сабабли дунёда таълим тараққиётининг жадал суратларда ривожланиши авваламбор таълим жараёнига инновацион ва креатив ёндашиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Канада, Германия, Россия, Япония, Кореяда ўқитиш жараёнлари инновацион-креатив ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Мазкур ҳолатни бевосита кузатиб, чуқур таҳлил қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 20 декабридаги “Олий Мажлисга Мурожаатнома”сида таълим масаласига алоҳида урғу берилган.

2023-йилни «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилиниши фикримизга яққол мисол бўлади. Президентимиз томонидан «Таълим сифатини ошириш - Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққа-ю ягона тўғри йўлидир! Шу боис, 2023-йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишни бошлаймиз. Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади. Миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади» деб таъкидланди [2]. Демак, бугунги кун ўқитувчилари таълим-тарбия ишларида фаол қатнашар эканлар, улар ўз фаолиятларини замон билан ҳамоҳанг тарзда ташкил этишлари талаб этилади. Шунингдек, умумтаълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган бошланғич синф ўқитувчилари умумий ва махсус компетенцияларга эга бўлиши ҳамда ўз фаолиятида ижодкорлик қобилиятларини намоён эта олиши лозим.

Болалар иқтидори, креатив қобилиятларни ривожлантириш бошланғич синф ўқувчилари креативлиининг таркибий асосларини белгилаш, мотивацион, илмий-методик ёндашувларнинг имкониятларини такомиллаштириш бўлажак педагогнинг касбий-ижодий маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу билан

бир қаторда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида креативликни ривожлантириш омиллари таъсирини баҳолаш, ижодкорликка асосланган таълимий фаолиятни ташкил этишнинг методик тизимини такомиллаштириш, креативликка асосланган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда. Бошланғич таълимга бундай ёндашув шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талабларига мос равишда касбий кўникмаларни шакллантириш, ижодий қобилиятни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш алоҳида долзарблик касб этишини кўрсатади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг креативлик сифатларига эга бўлиши уларнинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Шунингдек, ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолипда фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилмасликка ёрдам беради. Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятини ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади. Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ҳар бир шахс табиатан креативлик қобилиятига эга.

Креативлик (лотинча “create” - яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) - индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради.

Мазкур тушунчани турли нуқтаи назарларга асосланган талқинлари мавжуд. Фалсафада креативлик бирор янги нарсани яратиш ёки қандайдир усуллар асосида янгиликни амалга ошириш, муаммони ҳал этишнинг янги ечимлари, янги метод ёки восита, янги санъат асари сифатида талқин этилади.

Психологик нуқтаи назардан креативлик кўпроқ ижодга умумий қобилиятлилик билан алоқадорликда талқин қилинади. Ҳозирда мазкур атама оригинал ечимларни излаб топиш, ностандарт ҳаракатларни амалга оширишга тайёрлик маъносини ифода этади. Психологияда креативлик деганда “янги ғоя,

ечим, методлар, назариялар ёки қандайдир фаолиятнинг янги маҳсулини ишлаб чиқиш” тушунилади [5].

Креативликнинг моҳиятини аниқлаш ва баён этишга доир илмий изланишлар жараёнида ижодкорлик назарияси ёки ижодкор шахсни ривожлантириш нафақат хорижлик, балки республикамиз олимларида ҳам қизиқиш уйғотганлиги аниқланди.

Жумладан, З.Нишонова ўқувчиларда мустақил-ижодий фикрлашни шакллантириш нуқтаи назаридан креативликни дивергент ва конвергент тафаккур билан боғлиқликда талқин этган [6].

П.Эргашев, Г.Гозибекова, Г.Байқунусовалар[8] креативликни юксак ижодий қобилиятларнинг натижаси сифатида талқин қилишган. Уларнинг фикрича, шубҳасиз, юксак ижодий қобилиятлар қандайдир ягона ва ҳатто бир неча омилнинг эмас, балки педагогик-психологик шарт-шароитларнинг каттагина комплекси маҳсулидир.

Креативликка доир илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб манбаларда креативлик ноёб ҳодиса сифатида тушунилади, замонавий илмий ишларда креативликни индивиднинг интеллектуал ва шахсий хусусиятлари мажмуи сифатида ҳам талқин қилиш тенденцияси кузатилади.

Фикримизча, психологик нуқтаи назардан, креативлик тушунчасига қуйидагича изоҳ бердиш мақсадга мувофиқ: “креативлик - шахс ва жамият қизиқишлари билан боғлиқликда ўзгарувчан ижтимоий-маданий шарт-шароитлар доирасига тааллуқли вазифаларни ҳал этишда инсоннинг конструктив ва оригинал фикрлашга тайёрлигидир” [Г.И.].

Муаммога доир манбалар талили натижасида бошланғич синф ўқитувчиларида касбий креативлик компетенциясини ривожлантиришнинг қуйидаги омилларни кўрсатиш мумкин

1) ижод кишилари билан мулоқотга киришиш ва мустақил, асосланган фикр мавжудлиги;

2) ўз ҳиссиётларини ифода этта олиш ва ўқувчиларга шундай имкон бериш (боланинг эмоционал кечинмалари қадрланиши лозим);

3) ўқувчиларнинг қизиқишига кўра машғулотлар орқали уларни ижодкорликка йўналтириш (санаът асарларини саҳналаштириш жараёнида ролларни ижро этишда боланинг ижодий фаолият турини танлашга ўргатиш);

4) таълим жараёнида тадқиқотчилик фаолиятига ижобий муносабатда бўлишни кундалик касбий заруратга айлантириш.

Педагогикада креативлик инсоннинг “ижодга қобилиятлилиги” сифатида қабул қилиниб, интеллектнинг ривожланиш даражаси билан алоқадорликда таҳлил қилинади. Жумладан, А.Арипджанова олий таълим муассасалари педагоглари таркибининг креатив салоҳиятини ривожлантириш билан

боғлиқликда креативлик тушунчасининг моҳиятини қуйидаги тарзда баён этган: “мақбул имкониятларни сафарбар этиш орқали, шахсни муаммони қабул қилиш, янги, ноодатий маҳсулни яратиш қобилияти” [3,16]. Г.Ибрагимованинг фикрича, креативлик - шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи сифатида намоён бўлади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади [4].

Креатив педагогика ёки креативликка асосланган педагогика деганда исталган ўқув фани доирасида қўллаш мумкин бўлган ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик билимлар соҳаси тушунилади.

Ш.Шарипов ўқувчиларнинг касбий ижодкорлиги узвийлигини тадқиқ этиш асосида ижод - инсоннинг фан, техника, ишлаб чиқариш, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилик яратиши билан боғлиқ мураккаб психологик жараён деган хулосага келган.

Ўқитувчиларда креативликни ривожлантириш нуқтаи назаридан ижод - ўқувчиларининг хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ҳамда уларга таълим-тарбия бериш мақсад ва вазифаларига мос қулай таълим муҳитини ташкил этишга доир ўқитувчининг яратувчанлик ва изланишли-тадқиқотчилик фаолиятдир.

Ижодкорлик - индивиднинг ижодкорлик қобилияти - ноодатий фикрларни ўйлаб топиш, анъанавий фикрлаш доирасидан четлашиш, муаммоли масалаларни тезда ҳал этиш қобилиятидир. У янги ғояларни яратишга доимо тайёрлик билан тавсифланади ва қобилият тузилмаси компоненти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ижодкорлик тушунчасига ижодкор иши, ижодкорга хос фаолият; яратувчилик[10] тарзида қисқа таъриф берилган.

Педагогик энциклопедик луғатда “Ижодий фаолият сифат жиҳатдан янгини яратишга доир инсон ёки жамоавий фаолият шакли. Ижодий фаолиятнинг зарурий шarti фикрнинг эгилувчанлиги, танқидийлик, идрок этишнинг яхлитлигида акс этади” [7], деб изоҳ берилган. Мазкур луғатда “ижод” ва “ижодкорлик” тушунчаларига алоҳида таъриф берилмаган.

Фалсафий, педагогик-психологик адабиётларда “ижодкорлик” оригинал, такрорланмайдиган, ижтимоий-тарихий ноёблик билан ажралиб турувчи фаолият тури сифатида эътироф этилади.

Тил таълими нуқтаи назаридан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий креативликни ривожлантириш тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин: “ ўқитувчининг ўқувчиларни ижодкорликка ундовчи турли ўқув топшириқларини бажариш, вазиятларни ҳал этишда ноодатий ёндашувни таркиб топтириш, янги ғоя ва нуқтаи назарларни эркин ифода этиш, фикрнинг

эгиловчанлиги ва тасаввурнинг бойлилигини таркиб топтиришга, инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш орқали ўқувчиларда танқидий-мулоҳазали фикрлаш малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган ижодий фаолияти “[Г.И.]”.

Мавзу доирасидаги манбалар таҳлили натижасида бошланғич синф ўқитувчиларида касбий креативликни ривожлантиришнинг муҳим тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- таълимий фаолиятни илмий-методик жиҳатдан мақсадга йўналтирилган изчил ва тизимли равишда ташкил этиш

- ўқув-тарбия жараёнига мажмуавий ёндашиш;

- ўқитишда тизимлилик ва талба шахсига йўналтирилганлигини таъминлаш;

- ҳар бир машғулотга ижодкорлик билан ёндашиш;

“Креативлик” ва “ижодкорлик” тушунчаларининг семантик қобиғида сезилмас даражада фарқланиш мавжуд. Ижодий жараён муаллифнинг илҳомига, унинг қобилиятларига, муаллиф амал қиладиган анъаналарга асосланади. Агар биз креатив жараён ҳақида гапирадиган бўлсак, унда унинг асосий таркибий қисми прагматик элементга айланади, яъни нима учун бирор нарса яратишингиз кераклигини, ким учун бирор нарса яратишингиз кераклигини, қандай қилиб бирор нарса яратишингиз кераклигини ва аслида нимани яратишингиз кераклигини тушуниш лозим. Ижодкорлик ҳар доим бирламчи ва фундаменталдир. Креативлик - ижодкорликни амалга ошириш технологияси сифатида изоҳланиши мумкин. Бироқ, ижодий маҳсулотда у прагматик мақсадга бўйсунди. Креативликдан ташқарида ижодкорлик бўлиши мумкин эмас. Креативлик- шахснинг интеллектуал риожланишига йўналтирилган, шунинг учун бу икки тушунча ўртасида тенглик белгисини қўйиш мутлақо тўғри эмас. Деярли ҳар доим, ижодий фаолият ҳақида гапирганда, биз ушбу фаолиятнинг маълум бир маҳсулотини, хоҳ у расм, шеър ёки мустақил ғоя бўлсин, назарда тутамиз. Шу билан бирга, ўзбек тилида креативлик маҳсулотларини "ижодкорлик"деб ҳам аташ одат тусига кирди. Яъни, бу атама шахс доирасидан ташқарига чиқди ва шахс фаолияти натижаларига ўтади. “Ижодкорлик” атамасига келсак, бундай ўтиш мумкин эмас. “Креативлик” атамасини ўзбек тилига “ижодкорлик” деб таржима қилишда ифодаланиши мумкин бўлган мазмундан кўра кўпроқ аниқ маънога ега. Ижодкорлик ҳақида гапирганда, биз шахснинг атрофдаги дунёнинг феноменал ва семантик моҳиятини, объектив ҳақиқатни субъектив билиш жараёнини назарда тутамиз. Бу кўринадиган, моддий, моддий маҳсулотни яратиш ҳақида эмас. Креативлик жараёнининг натижаси - бу шахсни

шакллантириш, ноёб микрокосмосни яратиш-инсоннинг индивидуал психикаси, руҳи.

Ўқувчиларда креативликни ривожлантириш назаридан ижод -болаларнинг хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ҳамда уларга таълим-тарбия бериш мақсад ва вазифаларига мос қулай таълим муҳитини ташкил этишга доир яратувчанлик ва изланишли-тадқиқотчиликка доир фаолиятдир.

Ижодкорлик - индивиднинг ижодкорлик қобилияти - ноодатий фикрларни ўйлаб топиш, анъанавий фикрлаш доирасидан четлашиш, муаммоли масалаларни тезда ҳал этиш қобилиятидир. У янги ғояларни яратишга доимо тайёрлик билан тавсифланади ва қобилият тузилмаси компоненти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ижодкорлик тушунчасига ижодкор иши, ижодкорга хос фаолият; яратувчилик тарзида қисқа таъриф берилган [10].

Педагогик энциклопедик луғатда “Ижодий фаолият сифат жиҳатдан янгини яратишга доир инсон ёки жамоавий фаолият шакли. Ижодий фаолиятнинг зарурий шarti фикрнинг эгилувчанлиги, танқидийлик, идрок этишнинг яхлитлигида акс этади” [7], деб изоҳ берилган. Мазкур луғатда “ижод” ва “ижодкорлик” тушунчаларига алоҳида таъриф берилмаган.

Юқорида ифодаланган фикрлар асосида таъкидлаш лозимки, ижодий фаолиятни амалга ошириш учун шахсда, айниқса бўдлажак бошланғич синф ўқитувчисида, креатив потенциал бўлиши лозим.

Шахснинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида намоён бўлади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шarti ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгалликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир шахснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигида, янги ғояларни яратиш, қобилияти, шунингдек, шахс характерига хос жиҳатлар - бир қолипда фикрламасликда, ўзига хосликда, ташаббускорликда, ноаниқликка тоқат қилишда, заковатли бўлишда акс этади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг креативлик компетенциясини ривожлантиришда унинг муайян муаммоларни ҳал қилишга интилиши, кичик илмий-тадқиқотларини амалга ошириши ва бу жараёнга қизиқиш доираси бир хил бўлган касбдошлари билан ўзаро ижодий ҳамкорликка эришиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда креативликни ривожлантириш учун уларда креатив тафаккурни

такимлаштириш олозим. Фикримизча, креатив тафаккурга эга ўқитувчилар қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туришлари керак:

- бошқа ўқитувчиларнинг хаёлларига келмаган ғояларни илгари суриш;
- ўзларини намоён этишнинг ўзига хос услубини танлаш;
- ечими очик қолган вазифаларни ноодатий усулда ечишга интилиш;
- далиллардан кўра ғояларни муҳокама қилишни афзал кўриш;
- муаммо ечимини топишда ноанъанавий ёндашувни танлаш;
- кундалик фаолиятда ижодкорликни касбий заруратга айлантириш;
- фаолият натижасида ижодий маҳсулот яратиш.

Бошланғич синф ўқувчиларининг креатив фаоллиги ўзида янги билимларни ўзлаштиришга барқарор мотивлар ва билиш жараёнига ижобий эмоционал йўналганликнинг қарор топганлиги, ўқув вазифаларини ҳал этишда одатий ўқув ҳаракати усулларини бартараф этишга интилиш, муаммо ечимини топишнинг ностандарт метод ва усулларини излаш, ўқув-билиш фаолиятидаги қатъийлик, ижодий билиш фаолиятининг натижавийлиги билан тавсифланувчи шахс хусусиятини ўзида акс эттиради.

Мавжуд илмий-методик манбалар таҳлили асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг креативлигини ташкил этишнинг қуйидаги мезонлари акўрсатиш мумкин: мотивацион-эмоционал, иродавий, когнитив, фаолиятли-ижодий. Мотивацион-эмоционал мезон кўрсаткичлари: фаолиятда иштирок этиш истаги, онглилик, кўпроқ билишга интилиш, ижобий эмоционал қайғуриш, иштиёқ, фаолиятдан қониқиш ҳисси. Иродавий мезон кўрсаткичлари: қатъийлик, билишга йўналганлик; журъатлилик. Билишга доир мезон кўрсаткичлари: мўътадиллик, мослашувчанлик, ишчанлик, фикрлашнинг индивидуал ўзига хослиги. Фаолиятли-ижодий мезон кўрсаткичларини жадаллик, ижодий билиш фаолиятининг натижавийлигиташкил этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни креатив фаолиятни ташкил этиш жараёни мотивацияни фаоллаштириш, ижодий муҳитни яратиш, ижодий тавсифдаги ўқув-касбий вазифаларни қўллашда табақалаштирилган ёндашувга асосланиш, рефлексия, техник ва методик таъминотни яратиш, тайёрловнинг барча босқичларида креатив салоҳиятни ривожлантиришнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш каби технологик босқичларга асосланиши бу борадаги фаолиятни самарадорлигини таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон



Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Олий Мажлисга Мурожаатномаси”.- Тошкент, 2022, 20.12.

3. Арипджанова А.Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. Автореф. – Т., 2017. – 50 б.

4. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. Автореф. – Т., 2017. – 39 б.

5. Николаева Е.И. Психология детского творчества [Текст]/ Е.И. Николаева. – СПб: Речь. – 220с.

6. Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлашни шакллантиришнинг психологик асослари: Псих.фан док. ... дис. – Т., 2005.– 391 б.

7. Педагогический энциклопедический словарь. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 527 с.

8. Эргашев П., Гозибекова Г., Байкунусова Г. Талабаларда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари (услубий қўлланма). – Т., 2013. – 56 б.

9. Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дис. автореф. –Т., 2012. – 46 б.10.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2001. – 704 б..

10. Kamolova, A., & Ergasheva, G. S. Q. (2022). Yosh avlodni tarbiyalashda xalq pedagogikasini manbalarining o'rganishning o'rganishning ilmiy-nazariy asoslari. *Science and Education*, 3(12), 590-592.

11. Kamolova, A. O. Q., & Husaynova, S. I. (2023). O'smirlar o'rtasida axloqsizlikni oldini olishda pedagogik faoliyatning o'ziga xos xususiyatlari. *Science and Education*, 4(2), 969-972.

12. M.Ya., & Kamolova A.O. (2021). O'SMIRLARGA HUQUQIY BILIM BERISHDA KEYS STADI TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH. Экономика и социум, (8 (87)), 42-45.

13. кизи Ахмедова, Д. С., & кизи Камолова, А. О. (2022). ЎСМИРЛАРДА МЕЪЁРДАН ХУЛҚИЙ ОҒИШ ХОЛАТЛАРИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИНГ АХАМИЯТИ. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 413-416

14. Nishonova, M. Y., & Kamolova, A. O. (2021). USING CASE STADE TECHNOLOGY IN LEGAL EDUCATION FOR TEENAGERS. *Экономика и социум*, (8), 42-45.